

Динга бўлган муносабат



06:10 / 10.09.2018 5706

Ассалому алайкум! Устозлар, менда иккита саволим бор. 1. Менга яқин бўлган бир инсон, гапдан гап чиқиб "бошка динга ва вакилларига нисбатан ўз ўрнида хурмат бўлиши керак" деб айтди. Бу ҳақида шариатимиз нима дейди? Бошқа дин вакилларига биз қандай муносабатда бўлишимиз керак? 2. Бир ён қўшнимиз вафот этганидан сўнг, турмуш ўртоқлари русчада "похороны" га чақирганда биз қандай йўл тутишимиз керак? Жавобингиз учун олдиндан раҳмат.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Ўша инсон чуқурга тушиб кетса тортиб олишга ҳаракат қилармидингиз? Уларни Аллоҳ таолони тасиқ қилиб мусулмон бўлмасликлари охирада абадий дўзахга тушиш ҳисобланади. Уларни ўша чуқурдан тортиб олишга ҳаракат қилиш керак. Улар бемор, дардларига

малҳам бўлишга ҳаракат қилиш керак. Куфр ва фиққ ишларига нафрат қилиб, Аллоҳнинг бандаси эканлигидан нафратланмаслик керак. Қўшничиликни аъло даражада бажариб, шариат қайтарган ўринда очиқ-ойдин “шариатимиз бундан қайтарган” дея олиш керак. Сиз айтган чақирув ҳам шариат қайтарган ишлардан. Уларга таъзия билдириш жоиз, таъзия билдиришда уларга жаннат ёки Аллоҳнинг раҳмати сўралмайди. Чунки Аллоҳ таолонинг Ўзи иймонсиз ўтганларга улар берилмаслигини Қуръони каримда бир неча марта баён қилган. Таъзияда: “Диндор қардошлари сафида қилсин. ҳамма ҳам ўлади, сабрли бўл, Аллоҳ сени ҳидоятга бошласин” дейилади. Бундай дейиш уларни қалбига озор берадиган гаплар ҳисобланмайди. Чунки ўз диндор биродарлари билан бўлишни ўзлари учун шараф деб билишади. Валлоҳу аълам!